

Қизим 4-синфда ўқийди. Мактабда унга рўмолини ечтиришяпти.

14:58 / 26.04.2016 4821

Қизим 4-синфда ўқийди. Мактабда унга рўмолини ечтиришяпти. Юртимизда мўмина қизлар учун ҳам диний, ҳам дунёвий илм оладиган бирор ўқув юрти борми?

Мактабда қизларга рўмол ўрашни ман қилиш ҳодисаси аҳён-аҳёнда, турли жойларда бўлиб туради, турли тортишувларга сабаб бўлади. Лекин менинг ўз тажрибамдан билганим-кўпроқ ўша мактабни раҳбарлари ёки қандайдир бир корхонани раҳбарлари ўзларини кўрсатиш мақсадида қиладиган иш эканлигини тушуниб олиш имкони бўлди. Мана шунинг учун айниқса “мактабда” деган гапга алоҳида урғу бериб айтадиган бўлсак, мен яқинда Ўзбекистон жумҳурияти Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси томонидан баъзи бир мактабларда шунақа ҳодиса бўлганида, иккита мактабнинг мудирига ёзилган расмий хатнинг нусхасини кўрдим. Бу мактуб ўша диний қўмитанинг расмий бланкасига, қоғозига ёзилган, муҳрланган ва диний қўмитанинг раислари имзоси билан юборилган мактублар бўлиб, унда тушунтириш гаплари айтилган ва охирида мактабда қизларга рўмол ўрашни ман қилиш, уларни шу маънода тазйиққа олиш давлатимиз Конституциясига хилоф эканлиги, асосий қонунига хилоф эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунинг учун мана бу саволда келган каби ҳоларлар бўлса, имконини қилиб Диний ишлар қўмитасига мурожаат қилсангиз ажаб эмаски, сизларнинг мактаб мудирларингизга ҳам ўша биз кўрган хатга ўхшаган хатларни ёзиб беришса, бу нозик масалани ҳамма бир хилда тушуниб орамизда муаммо кўтарилса деган умиддамиз.

“Юртимизда мўмина қизлар учун ҳам диний, ҳам дунёвий илм оладиган бирор ўқув юрти борми?” деган саволга, шу икковини қўшиб оладиган бўлсак, мана Тошкентда “Хадича ал-Кубро” номидаги аёл-қизларни исломий-диний ўқув юрти бор ва Бухорода ҳам шунга ўхшаш бир ўқув юрт бор. Бу ерда диний илмларга асосий урғу берилса ҳам, лекин дунёвий илмлардан ҳам дарслар бўлиши шу ўқув юртларини барномасида эътиборга олинган.